

## Х У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2024 йил февраль ойининг 19-куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи М.М.Сафаров,  
судья ёрдамчиси С.Хошимованинг котиблигида,  
томонлардан Самарқанд туман прокурорининг ёрдамчиси С.Джаниев, жабрланувчининг қонуний вакили М.Султонов,  
судланувчи З.Буриев ва унинг ҳимоячиси адвокат Қ.Сувоновларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан судланувчи Буриев Зафар Зокировични айблаш ҳақидаги №1-1402-2302/344-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

**Судланувчи:Буриев Зафар Зокирович** (Buriyev Zafar Zokirovich), 1989 йил 25 август куни Тайлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, такси ҳайдовчиси, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Тайлоқ тумани, “Сочак” маҳалласида яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 05 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларига баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича таҳлил қилиб, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Буриев Зафар Зокирович транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар туркумига кирувчи одам ўлимига сабаб бўлган транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузиш жиноятини қуйидаги вақт, усул ва ҳолатларда эҳтиётсизлик орқасида содир этган.

Жумладан, судланувчи З.Буриев 2023 йил 25 октябрь куни соат 06:00да, “Равон Самарқанд транс” МЧЖга тегишли, техник жиҳатдан носоз бўлган “Нексия-2” русумли 30 596 ТТС давлат рақам белгили транспорт воситасини тегишли ҳужжатлар асосида Самарқанд тумани “Найзатепа” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи М-39 автомобиль йўлининг 1091-километрида “Қарши-Тошкент” йўналишида бошқариб бориб, амалдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистан



Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг 11-“а” кичик банидаги, яъни “транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини, тозаллигини ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши шарт” деб, 11-“г” бандидаги, яъни “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриш керак” деб ҳамда 77-бандидаги, яъни “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган қоидаларни қўпол равишда бузиб, ўзининг йўналишида йўлнинг бетон тўсиқ томондаги обочинасида бир йўналишда олдинда велосипед бошқариб кетаётган марҳум жабрланувчи Султонов Комилжон Мунисовични велосипедда ҳаракатланиб кетаётганлигини кўрганидан сўнг, унга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини етарли даражада кўрмасдан, автомашинасини ҳаракат тезлигини камайтирмасдан, бошқарувида бўлган автомашинанинг олд чап томони билан велосипедни уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиши оқибатида жабрланувчи К.Султоновни “оғир шикаст” тан жароҳатлари олиб, етарли ва сифатли даражада кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан 2023 йил 13 ноябрь куни шифохонада вафот этишига сабабчи бўлган.

РСТЭИАМ Самарқанд филиалининг 27.11.2023 йилдаги №407-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосасида, марҳум К.Султоновнинг ўлими, суд-тиббий текширув вақтида марҳумнинг мурдаси танасида яъни иккала товон соҳаси, юқори лаб, ўнг кўз ташқи бурчак, чап кўз атрофи, пешона, чап қўл кафти соҳасида қонталаш, шилинмалар ва урилиб йиртилган яралари, ўпка илдизлари, жигар бойламаларига қон қуйилиши, иккинчи ва ўн иккинчи кўкрак умуртқалари ёпиқ синиши, калла юмшоқ тўқималарига қон қуйилиши, бош мия



оғир даражали лат ейиши каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, ушбу жароҳатлар унинг ўлиmidан олдин ҳаётлигида қаттиқ тумтоқ жисмлар таъсирида, яъни ҳаракатда бўлган автомашинанинг велосипед билан тўқнашуви натижасида автомашина ташқи буртиб чиқувчи қисмларининг велосипед ва танага урилиши ва тананинг отилиб кетиб қаттиқ ер қопламасига йиқилиб сидирилиши натижасида вужудга келганлиги, ушбу жароҳатларда “оғир тан жароҳатлари”нинг белгилари ҳамда унинг ўлими сабаби билан бевосита боғлиқлиги, марҳум Султонов Комилжоннинг ўлими бош миянинг қисилиши, билан кечган бош мия остига, тўқимасига ва қоринчалари ичига қон қуйилиши, калла гумбаз ва асос суяклари ёпиқ синиши, бош миянинг оғир даражали лат ейиши кўринишидаги ёпиқ калла мия шикастланишидан келиб чиққанлиги кўрсатилган.

РСЭМ Самарқанд филиалининг 2023 йил 29 ноябрь кунидаги судга оид автотехник хисоблаш экспертизасининг №5102-сонли хулосасида, “Нексия” русумли 30 596 ТТС давлат рақам белгили транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўл транспорт ҳодисасидан олдин велосипед ҳайдовчисини уриб юборишдан олдин бошқарувида бўлган транспорт воситасини тўхтатиб қолиш техник имкониятига эга бўлганлиги, ушбу ҳолатда ҳайдовчи З.Буриев Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати тғрисида”ги қоидаларни 77-банди талабларини бузганлиги кўрсатилган.

Судланувчи З.Буриев ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни эҳтиётсизлик орқасида содир этган.

Судланувчи **Буриев Зафар Зокирович** суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, “Равон Самарқанд транс” МЧЖга тегишли бўлган сариқ рангли “Нексия-2” русумли 30 596 ТТС давлат рақам белгили транспорт воситасини 2022 йилда ижарага олиб, ҳозирда “Яндекс” иловасига уланиб, Самарқанд шаҳрида таксичилик билан шуғулланиб келишлиги, 2023 йил 25 октябрь куни эрталаб соат 05:25ларда “Яндекс” иловаси орқали мижоз олиб, уни Ургут тумани ҳудудига ташлаб, шу куни соат тахминан 06:00ларда Самарқанд шаҳрига бориш мақсадида Самарқанд тумани “Найзатепа” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи М-39 автомобиль йўлида “Қарши-Тошкент” йўналиши бўйича йўлнинг чап томон биринчи ҳаракатланиш бўлагида 50-55 км/соат тезликда ҳаракатланиб, шу йўлда бўлган кўприк устидан ўтаётганда, ўзининг йўналишида бетон тўсиқлар ёнидан ҳаракатланиб келаётган велосипед ҳайдовчисини кўриб, автомашинасини ўнг томон четга буришга ҳаракат қилгани, бироқ автомашинасини олиб қочишга



улгурмасдан автомашинасини олд чап томон бампери билан велосипед ҳайдовчиси Султонов Комилжонни велосипедининг орқа филдирагидан уриб юборгани, кейин йўловчи автомашинада К.Султоновни бир йўловчи “Дамас” русумли автомашинада РШТЎИМ Самарқанд филиалига олиб бориб боргагни, жабрланувчи ўша ерда даволангани, бироқ олган тан жароҳатлари натижасида 2023 йил 13 ноябрь куни вафот этгани, у жабрланувчининг қонуний вакили ва оилла аъзоларидан кечирим сўраб, барча моддий зарарларни қоплагани, жабрланувчининг қонуний вакили унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, оилали бўлиб, қарамоғида 2 нафар гўдак фарзандлари борлигини, оилавий шароити оғирлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини инobatга олиб, суддан унга қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи Буриев Зафар Зокировичнинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган қуйидаги жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувлари билан, яъни:

Жабрланувчининг қонуний вакили **Султонов Мунис Эргашевич** суд мажлисида, марҳум Султонов Комилжон уни ўғли бўлишлиги, ўғли ҳар куни эрталаб соат 06:00да уни уйига нонуштага келишлиги, 2023 йил 25 октябрь куни соат 06:30ларда ўғли нонуштага келмагани, кейин кўнгли ғаш бўлиб, ундан хабар олиш ва қаерда эканлигини билиш мақсадида машинасида кўчага чиқиб, ўғлини ишхонаси ва бошқа жойлардан суриштиргани, бироқ топаолмагани, кейин уйига қайтиш мақсадида “Найзатепа” маҳалласи бўйлаб ўтган автомобиль йўлида автомашинасида қайтиб келаётганида, йўл четида сариқ рангли такси ва ўғлининг велосипеди турганлигини кўриб, ўша ердаги ЙХХБ инспекторидан сўраганида, у унга йўл транспорт ходисаси содир бўлганлигини маълум қилиб, планшетида ўғлини расмини кўрсатиб, уни РШТЎИМ Самарқанд филиалига олиб кетганлигини айтгани, кейин ўғлини уриб юборган такси ҳайдовчиси З.Буриев эканлигини билгани, ўғли шифохонада 2023 йил 13 ноябрь кунига қадар даволангани, бироқ олган оғир тан жароҳатлари натижасида шу куни вафот этгани, ҳозирда судланувчи З.Буриев унга етказилган барча моддий зарарларни тўлиқ қоплагани, судланувчига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, шу боисдан суддан судланувчи З.Буриевга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўрашини билдириб, кўрсатма  
рган.



Судланувчи Буриев Зафар Зокировичнинг айби ҳукмнинг юқоридаги қисмида қайд этилган ҳолатлардан ташқари, қуйидаги жиноят ишининг дастлабки суриштирув, тергов ва суд муҳокасида йиғилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар ва ҳужжатлар билан, яъни:

-ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси, фотожадваллар ва чизмаси (жиноят ишининг 4-16 варақлари),

-2023 йил 28 ноябрь кунги №407-сонли суд тиббиёт экспертиза хулосаси ва касаллик тарихи (жиноят ишининг 44-174 варақлари),

-2023 йил 23 ноябрь кунги эксперимент ўтказиш баённомаси, чизмаси, фотожадвали ва видеотасвирлари тушурилган 1 дона ДВД диск (жиноят ишининг 54-58 варақлари),

-2023 йил 24 ноябрь кунги судга оид ҳисоблаш экспертизаси тайинлаш қарори ва 2023 йил 29 ноябрь кунги ҳисоблаш автотехник экспертиза хулосаси (жиноят ишининг 197-203 варақлари),

-2023 йил 27 ноябрь кунги автотехник, трассалогия ва баҳолаш экспертиза хулосалари (жиноят ишининг 204-229 варақлари), суд мажлисида тарафаларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг дастлабки терговдаги кўрсаувлари ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланади.

Суд, судланувчи Буриев Зафар Зокировичнинг транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида одам ўлимига сабабчи бўлганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Буриев Зафар Зокировичнинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароити оғирлигини, оилали бўлиб, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари ва ҳеч қаерда ишламайдиган турмуш ўртоғи борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг содир қилган жиноятида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Буриев Зафар Зокировичга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги №10-сонли Қарорининг 25-бандида қайд этилган “Судлар йўл-



транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатларига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, гарчи судланувчи Буриев Зафар Зокировичнинг ҳаракатларида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан амалда чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилали бўлиб, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари ва ҳеч қаерда ишламайдиган турмуш ўртоғи борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги каби жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги, унинг жиноят содир этганидан кейинги ҳулқ-атворини, яъни жабрланувчилардан кечирим сўраб, моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ижобий ҳаракатлари каби ҳолатлар мавжуд бўлсада, жиноят натижасида одам вафот этган бўлиб, бу каби жиноятларни келгусида содир бўлмаслигини фақатгина озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлаш орқали олдини олиш мумкинлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб, ахлоқан тузатиш мумкин эмас деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида муайян ҳуқуқдан, яъни барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони манзил-калонияларда ўташни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, суд залидан қамоққа олишни, жазони ўташ муддатини 2024 йил 19 февраль кунидан бошлаб ҳисоблашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларини алоҳида-алоҳида ижрога қаратишни лозим топади.

Суд, ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Буриев Зафар Зокирович томонидан “гаров” сифатида Самарқанд вилоят 1Бнинг “Марказий банк” Самарқанд вилоят филиалидаги 506000901638947006-сонли депозит ҳисоб рақамига



топширилган жами 6 600 000 сўм миқдоридagi пул маблағлари судланувчининг яқин қариндошларига тегишли тартибда қайтаришни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчининг қонуний вакили М.Султоновнинг судланувчи З.Буриевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризасини инобатга олишни, жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида эътироф этилиб, иш ҳужжатларига тикилган ҳолда судга юборилган марҳум жабрланувчи К.Султонов номига юритилган касаллик тарихини иш ҳужжатларида қолдиришни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчининг қонуний вакили М.Султоновга судланувчи З.Буриевдан келгусида аниқланадиган бошқа моддий ва маънавий зарарлар ундириш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кунги «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли Қарорида қайд этилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, уларга келгусида ушбу талаб билан асосли ҳужжатларни тўплаб, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462, 464-466, 469-473, 497<sup>1</sup>-497<sup>4</sup>-моддаларини қўллаб, суд

### **Ҳ У Қ М Қ И Л А Д И :**

**Буриев Зафар Зокирович** (Buriyev Zafar Zokirovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Буриев Зафар Зокировичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга муайян ҳуқуқдан яъни, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 19 февраль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 61-моддасига асосан, тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари алоҳида-алоҳида ижро қилинсин.

Буриев Зафар Зокировичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Ҳуқм қонуний кучга киргач:



-судланувчи Буриев Зафар Зокирович томонидан “гаров” сифатида Самарқанд вилоят ИИБнинг “Марказий банк” Самарқанд вилоят филиалидаги 21506000901638947006-сонли депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 6 600 000 (олти миллион олти юз минг) сўм миқдоридagi пул маблағлари судланувчининг яқин қариндошларига тегишли тартибда қайтарилсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчининг қонуний вакили М.Султоновнинг судланувчи З.Буриевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризаси инобатга олинсин.

Жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида эътироф этилиб, иш ҳужжатларига тикилган ҳолда судга юборилган марҳум жабрланувчи К.Султонов номига юритилган касаллик тарихи иш ҳужжатларида қолдирилсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчининг қонуний вакили М.Султоновга судланувчи З.Буриевдан келгусида аниқланадиган бошқа моддий ва маънавий зарарлар ундириш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кунги «Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли Қарорида қайд этилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, уларга келгусида ушбу талаб билан асосли ҳужжатларни тўплаб, умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар прокурор ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, жабрланувчиларнинг қонуний вакилларига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн суткалик муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**М.Сафаров**

**(имзо)**

**“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”**

**Жиноят ишлари бўйича Самарқанд**

**туман судининг судьяси:**

**М.Сафаров**



**Маъсул судья: Сафаров Мирмухсин Миркомилевич**



Хужжат имзоланган: Сафаров Мирмухсин Миркомилевич, 19.02.2024

